СУД ҲОКИМИЯТИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ: ЭЛЕКТРОН СУД ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

(маъмурий судлар амалиёти мисолида)

З.Т.Инаятова

Тошкент тумандлараро маъмурий суди судьяси

Аннотация

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида маъмурий судлар фаолиятида электрон суд тизимини жорий этиш ва такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган. Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс асосида электрон мурожаат, электрон ҳужжат айланиши, видеоконференцалоқа орқали суд мажлисларини ўтказиш, “ADOLAT” ахборот тизимлари комплекси ва истиқболдаги “рақамли суд” лойиҳасининг ҳуқуқий-амалий жиҳатлари кўриб чиқилган. Шунингдек, Олий суд Пленумининг тегишли қарорлари, маъмурий судлар амалиётидаги мавжуд муаммолар таҳлил қилинган ва уларни бартараф этиш юзасидан илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган. Мақола фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан муносабатларидаги низоларни самарали ҳал этишда рақамли технологияларнинг ролини очиб беришга қаратилган.

Калит сўзлар: электрон суд, маъмурий суд ишлари юритиш, рақамли суд, ADOLAT” ахборот тизимлари комплекси, маъмурий низо, видеоконференцалоқа, электрон мурожаат, суд ҳужжатлари, рақамли далиллар, маъмурий процесс, давлат хизматлари портали.

Аннотация

В данной статье исследованы вопросы внедрения и совершенствования системы электронного суда в деятельности административных судов Республики Узбекистан. На основе Кодекса Республики Узбекистан об административном судопроизводстве рассмотрены правовые и практические аспекты электронного обращения в суд, электронного документооборота, проведения судебных заседаний посредством видеоконференцсвязи, функционирования комплекса информационных систем «ADOLAT», а также перспективного проекта «Цифровой суд». Кроме того, проанализированы соответствующие постановления Пленума Верховного Суда, существующие проблемы в практике административных судов и разработаны научно обоснованные предложения по их устранению. Статья направлена на раскрытие роли цифровых технологий в эффективном разрешении споров, возникающих между гражданами, субъектами предпринимательства и государственными органами.

Ключевые слова: электронный суд, административное судопроизводство, цифровой суд, комплекс информационных систем «ADOLAT», административный спор, видеоконференцсвязь, электронное обращение, судебные документы, цифровые доказательства, административный процесс, Единый портал государственных услуг.

Abstract

This article examines the issues of introducing and improving the electronic court system in the activities of the administrative courts of the Republic of Uzbekistan. Based on the Code of Administrative Court Procedure of the Republic of Uzbekistan, the legal and practical aspects of electronic court applications, electronic document management, conducting court hearings through videoconferencing, the operation of the “ADOLAT” Information Systems Complex, and the prospective “Digital Court” project are analyzed. In addition, the relevant resolutions of the Plenum of the Supreme Court, existing problems in the practice of administrative courts, and scientifically grounded proposals for their elimination are examined. The article is aimed at revealing the role of digital technologies in the effective resolution of disputes arising between citizens, business entities, and state authorities.

Keywords: electronic court, administrative court procedure, digital court, “ADOLAT” Information Systems Complex, administrative dispute, videoconferencing, electronic application, court documents, digital evidence, administrative process, Unified Portal of Interactive State Services.

Кириш

Бугунги кунда давлат бошқаруви ва суд тизимини рақамлаштириш жараёни жаҳон миқёсида устувор йўналишлардан бирига айланган. Ўзбекистон Республикасида ҳам сўнгги йилларда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунинг асосий мақсади — фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, суд жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш, ишларни кўриб чиқишда ҳужжатларни талаб қилиб олиш ҳамда қоғозбозликни камайтиришдан иборатдир.

Маъмурий судлар тизими бошқа суд тармоқларидан фарқли ўлароқ, фуқаролар ва юридик шахсларнинг давлат органлари, фуқароларнинг ўзини- ўзи бошқариш органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари билан бўлган муносабатларидаги низоларни — яъни оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни ҳал этади. Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 3-моддасида аниқ белгилаб қўйилганидек, ушбу Кодекс фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги маъмурий ишларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал этишда қўлланилади.

Маъмурий судларнинг ушбу ўзига хос вазифаси — давлат органлари устидан самарали суд назоратини ўрнатиш, қонун устуворлигини таъминлаш ва оммавий-ҳуқуқий муносабатлардаги ишларни кўриб чиқиш — уларда электрон суд тизимини жорий этишга алоҳида аҳамият беришни тақозо этади. Зеро, давлат органи билан низода бўлган фуқаро кўпинча унга нисбатан кучли ва ресурс жиҳатидан устун турувчи тарафга қарши чиқади, шу боис судга мурожаат қилиш йўлининг қанчалик қулай, тезкор ва шаффоф бўлиши тенглик ва тортишувчанлик принципларининг амалда таъминланишига бевосита таъсир кўрсатади.

Мақоланинг мақсади — амалдаги қонунчилик, Олий суд Пленуми қарорлари ва амалиёт материаллари асосида маъмурий судларда электрон суд тизимининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Маъмурий судларда электрон суд тизимининг ҳуқуқий асосини бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ташкил этади. Биринчи навбатда, бу — 2018 йил 25 январда қабул қилинган ва 2018 йил 1 апрелдан амалга киритилган Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс (бундан буён матнда — Кодекс)дир.

Кодекснинг 5-моддасида судга мурожаат қилиш шакли белгиланган бўлиб, унга мувофиқ ариза (шикоят) ёзма шаклда тақдим этилиши ёки ахборот тизими орқали электрон ҳужжат тарзида юборилиши мумкин. Бу қоида фуқароларга маъмурий судга бевосита келмасдан, масофадан туриб мурожаат қилиш имкониятини яратиб берган. Шунингдек, Олий суднинг интерактив хизматлар порталидаги “my.sud.uz” ахборот тизими орқали ариза ва шикоятларни электрон тарзда тақдим этиш, давлат божини электрон тўлаш, иш ҳолати юзасидан хабардор бўлиш, иш ҳужжатлари билан танишиш ва якуний суд ҳужжатларини олиш имконияти йўлга қўйилган.

Кодекснинг далиллар ва исботлашга бағишланган 7-боби доирасида электрон маълумотлар ва рақамли далилларга алоҳида моддалар киритилган. Хусусан, электрон шаклдаги маъмурий ишни бир маъмурий суддан бошқасига ўтказиш ахборот тизими орқали амалга оширилиши, электрон шаклда шакллантирилган маъмурий ишнинг қоғоздаги нусхаси билан тенг ҳуқуқий кучга эга бўлиши белгиланган. Бу қоидалар суд ишларини юритишда қоғозли ҳужжат айланишидан босқичма-босқич воз кечиш стратегиясининг ҳуқуқий пойдеворини ташкил этади.

Президентнинг 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3250-сонли қарори билан тасдиқланган Дастур ижроси доирасида судларга масофадан мурожаат қилиш, суд мажлисларида видеоконференцалоқа тизими орқали иштирок этиш, судьялар ўртасида ишларни автомат тақсимлаш, суд қарорларини интернетда эълон қилиш ва ижро ҳужжатларини электрон шаклда мажбурий ижрога юбориш тизимлари жорий этилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрдаги
ПҚ-4818-сон қарори суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирларини белгилайди. Қарор билан 2020–2023 йилларда амалга ошириладиган рақамлаштириш дастури ва давлат идоралари ахборот тизимлари билан интеграция бўйича "йўл харитаси" тасдиқланган. Видеоконференцалоқа, аудиоёзув, СМС-хабарнома, электрон архив каби тизимлар жорий этилиши кўзда тутилган. Бу ҳужжат электрон суд тизимини такомиллаштиришнинг асосий ҳуқуқий пойдевори ҳисобланади. Бундан ташқари, Олий суд Пленумининг маъмурий ишлар бўйича суд харажатлари тўғрисидаги қарорида суд мажлисини видеоконференцалоқа тартибида ўтказиш билан боғлиқ харажатлар суд харажатлари таркибига киритилган, бу видеоконференцалоқанинг процессуал жиҳатдан тўлиқ тан олинган институтга айланганидан далолат беради.

Кодекснинг 26 ва 28-моддаларида маъмурий ишларнинг судга тааллуқлилиги ва судловга тегишлилиги тартиблари белгиланган. Электрон тизим орқали мурожаат қилинганда ҳам ушбу қоидалар сақланиб қолади: агар ариза (шикоят) иш юритишга қабул қилинганидан кейин судловга тегишлилик қоидалари бузилган ҳолда қабул қилинганлиги аниқланса, суд ишни бошқа маъмурий судга электрон тизим орқали ўтказиш тўғрисида ажрим чиқаради. Бу эса электрон ҳужжат айланишининг анъанавий процессуал қоидалар билан уйғунлаштирилганини кўрсатади.

2025 йил август ойида эълон қилинган маълумотларга кўра, Ўзбекистон Республикасида 2026 йил 1 мартдан бошлаб фуқароларга фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий ишлар бўйича бирламчи маълумотларни Ягона давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали тақдим этиш йўлга қўйилади. Бу — суд тизимини рақамлаштиришнинг навбатдаги, сифат жиҳатидан янги босқичи бўлиб, фуқароларнинг суд хизматларидан фойдаланишини яна ҳам соддалаштириш ва қоғозбозликни камайтиришга хизмат қилади.

Маъмурий судлар амалиётида қонунчиликни бир хилда қўллашни таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари муҳим аҳамиятга эга. Электрон суд тизими билан бевосита боғлиқ бўлган қуйидаги қарорларни алоҳида қайд этиш лозим.

Суд муҳокамаси ошкоралигини таъминлаш тўғрисидаги қарор

2020 йил 21 февралда қабул қилинган № 04-сонли қарорда суд муҳокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш масалалари ёритилган. Бу қарор электрон тизимлар орқали суд ҳужжатларини оммага очиқ қилиш, суд қарорларини интернет тармоғида эълон қилиш каби механизмларнинг ҳуқуқий негизини мустаҳкамлайди.

Маъмурий ишлар бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисидаги қарор

2019 йил 25 октябрда қабул қилинган ва 2023 йил 20 ноябрдаги 34-сонли қарор билан янги таҳрирда тасдиқланган № 20-сонли қарорда суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ харажатлар суд харажатлари таркибига киритилган. Шунингдек, ушбу қарорда ариза (шикоят) иш юритишга қабул қилинганидан кейин судловга тегишлилик қоидалари бузилганлиги аниқланган тақдирда, суднинг ишни бошқа маъмурий судга ўтказиш тўғрисида ажрим чиқариши тартиби аниқлаштирилган.

Шунингдек, Маъмурий судлар амалиётида электрон суд тизимининг жорий этилиши сезиларли натижаларни берди.

Электрон мурожаат тизими амалиётда қуйидаги асосий йўналишларда қўлланилмоқда:

Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари “Adolat” ахборот тизимлари комплекси ва Олий суднинг интерактив хизматлар порталидаги https://my.sud.uz/#/ мурожаатлар бўлими орқали ариза ва шикоятларни масофадан тақдим этиш имкониятидан фойдаланмоқда.

Давлат божини электрон тарзда ҳисоблаш ва тўлаш калькулятор хизмати орқали амалга оширилмоқда, бу мурожаатчилар учун қўшимча юридик ёрдамга муҳтожликни камайтирмоқда;

ишлар судьялар ўртасида автомат тарзда тақсимланмоқда, бу инсон омили билан боғлиқ хатарларни камайтиришга хизмат қилмоқда;

суд мажлисларида видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланиш, айниқса узоқ ҳудудларда истиқомат қилувчи тарафлар учун, амалда кенг қўлланилмоқда.

Электрон суд тизимининг жорий этилиши қатор ижобий натижаларга олиб келган бўлса-да, амалиётда бир неча жиддий муаммолар ҳам сақланиб қолмоқда:

Жавобгар давлат органлари вакилларининг суд мажлисларида қатнашмаслиги ёки сустлик билан қатнашиши. Кодекснинг 188-моддасида мансабдор шахс вакилларининг суд мажлисига келиши мажбурий деб топилиши мумкинлиги назарда тутилган бўлса-да, амалиётда айрим ҳолларда давлат органлари вакиллари суд жараёнларида фаол иштирок этмайди, бу эса видеоконференцалоқа имкониятидан ҳам тўлиқ фойдаланилмаслигига олиб келади.

Алоқа ва ускуна сифатининг барқарор эмаслиги. Видеоконференцалоқа орқали суд мажлисларини ўтказишда айрим ҳудудларда интернет алоқасининг сифатсизлиги, тарафларнинг тегишли техник ускуналарга эга бўлмаслиги жараённи мураккаблаштирмоқда, бу эса айниқса узоқ туман ва қишлоқ ҳудудларида яшовчи фуқаролар учун муаммо туғдиради.

Рақамли саводхонлик даражасининг пастлиги. Айрим фуқаролар, хусусан кекса авлод вакиллари, электрон мурожаат тизимларидан фойдаланиш бўйича етарли кўникмага эга эмас, бу уларнинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан тенг асосда фойдаланишига монелик қилиши мумкин.

Ижро борасидаги чекловлар. Кодекснинг 276-моддасига мувофиқ ижро варақаси фақат пул маблағларини ундириш тўғрисидаги ҳужжатлар бўйича берилади, бошқа турдаги ажримлар (қарорлар) мажбурий ижрога тақдим этилмайди. Бу электрон тизим орқали чиқарилган суд ҳужжатларининг тўлиқ ижро этилишини назорат қилишда қўшимча механизмлар зарурлигини кўрсатади. Яъни, суд ҳужжатлари ижрога қаратилинганда, ижро ҳолатини назорат қилиш, кузатиб бориш ва жавобини олишда бир қанча муаммоларга дуч келинмоқда.

Юқорида келтирилган муаммоларни ҳал этиш ва маъмурий судларда электрон суд тизимини янада такомиллаштириш мақсадида қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

Давлат органлари вакилларининг электрон тизим орқали суд мажлисларида қатнашишини мажбурий назорат қилиш механизмини яратиш. “Adolat” ахборот тизимлари комплексида давлат органи вакилининг суд мажлисига келмаганлиги ёки видеоконференцалоқада қатнашмаганлиги ҳолатларини автоматик қайд этувчи ва тегишли мансабдор шахсларга хабар юборувчи модуль жорий этилиши мақсадга мувофиқ.

Аҳоли ўртасида рақамли саводхонликни ошириш бўйича маърифий ишларни кучайтириш. Маъмурий судлар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамкорлигида электрон мурожаат тизимидан фойдаланиш бўйича ўргатувчи семинарлар, видео-йўриқномалар ва оммабоп тушунтиришлар тайёрлаш лозим.

Электрон суд ҳужжатларининг ижросини таъминлаш доирасини кенгайтириш. Фақат пул маблағларини ундириш тўғрисидаги ҳужжатлар билан чекланмаган, бошқа турдаги суд ажримлари (қарорлари) ижросини ҳам электрон тизим орқали назорат қилиш имконини берувчи қўшимча механизмларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

2026 йил 1 мартдан жорий этилган Ягона давлат хизматлари порталидаги бирламчи маълумотлар тизимини маъмурий судлар билан тўлиқ интеграция қилиш. Бу фуқаролар учун бир ойнадан туриб мурожаат қилиш, ишнинг ҳолати ҳақида хабардор бўлиш ва суд ҳужжатларини олиш имкониятини янада соддалаштиради.

Хулоса қилиб айтганда, маъмурий судларда электрон суд тизимини жорий этиш ва такомиллаштириш — фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан муносабатларидаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг муҳим шартларидан биридир. Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс, Олий суд Пленумининг тегишли қарорлари ҳамда амалиёт материаллари таҳлили шуни кўрсатадики, сўнгги йилларда электрон мурожаат, видеоконференцалоқа, рақамли далиллар ва автоматик ҳужжат айланиши борасида сезиларли натижаларга эришилган.

Шу билан бирга, давлат органлари вакилларининг суд жараёнларида фаол иштирок этмаслиги каби муаммолар электрон суд тизимининг салоҳиятидан тўлиқ фойдаланишга тўсқинлик қилмоқда. Мақолада илгари сурилган таклифлар — хусусан, Ягона давлат хизматлари портали билан интеграцияни чуқурлаштириш — амалга оширилиши маъмурий судларда одил судловни таъминлаш сифатини сезиларли даражада оширишга хизмат қилади.

Якуний таҳлилда шуни таъкидлаш лозим: электрон суд тизими ўз-ўзидан мақсад эмас, балки қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, давлат органлари устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ва фуқароларнинг судга ишончини кучайтиришнинг замонавий воситасидир. Шу боис унинг ҳар томонлама такомиллаштирилиши “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида белгиланган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг муҳим тармоғи сифатида давом эттирилиши лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.

2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси (2018 йил 25 январь).

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги ПҲ-3250-сонли “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 25 октябрдаги “Маъмурий ишлар бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти ҳақида”ги 20-сонли қарори (2023 йил 20 ноябрдаги 34-сонли қарор билан киритилган ўзгартиришлар билан).

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 21 февралдаги “Суд муҳокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги 04-сонли қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 28 майдаги “Республика маъмурий судларига мурожаатларни “E-XSUD” ахборот тизими орқали тақдим қилиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги РС-28-20-сонли қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2021 йил 20 апрелдаги 19-сонли қарори.

8. “Маъмурий суд ишларини юритиш борасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш — давр талаби”, sud.uz, 2025 йил 12 феврал.

9. “Маъмурий суд ишларини юритиш тизимига дахлдор қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилмоқда”, sud.uz, 2025 йил 13 феврал.

10. “Суд тизими — инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминловчи муҳим институтга айланди”, sud.uz, 2025 йил 20 август.

11. “Ўзбекистонда “Рақамли суд” тизими жорий этилади ва қоғозбозлик камайтирилади”, Gazeta.uz, 2025 йил 22 август.

12. “Судлар фаолиятини рақамлаштириш — шаффофлик ва очиқлик кафолати”, sud.uz.

ФОЙДАЛАНИЛГАН САЙТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси — https://lex.uz

2. Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс (lex.uz) — https://lex.uz/docs/3527353

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди расмий веб-сайти — https://sud.uz

4. Олий суднинг интерактив хизматлар порталидаги мурожаатлар бўлими — https://my.sud.uz

5. “ADOLAT” ахборот тизимлари комплекси — https://adolat.sud.uz

6. NORMA.UZ ҳуқуқий ахборот порталининг расмий веб-сайти — https://www.norma.uz

7. Gazeta.uz ахборот порталининг расмий веб-сайти — https://www.gazeta.uz